

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 258-ҳадис

وَعَنْ أَبِي الْعَبَّاسِ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَلَغَهُ أَنَّ
بَنِي عَمْرٍو بْنَ عَوْفٍ كَانَ بَيْنَهُمْ شَرٌّ، فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصْلِحُ بَيْنَهُمْ فِي أَنَاسٍ
مَعَهُ، فَحُسِنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَحَانَتِ الصَّلَاةُ، فَجَاءَ بِلَالٌ إِلَى أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ
عَنْهُمَا فَقَالَ: يَا أَبَا بَكْرٍ؛ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ حِسِنَ وَحَانَتِ الصَّلَاةُ، فَهَلْ لَكَ أَنْ
تُؤْمِنَ النَّاسَ؟ قَالَ: نَعَمْ إِنْ شِئْتَ، فَأَقَامَ بِلَالٌ (الصَّلَاةَ)، وَتَقدَّمَ أَبُو بَكْرٍ فَكَبَرَ وَكَبَرَ النَّاسُ، وَجَاءَ
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْشِي فِي الصُّفُوفِ حَتَّى قَامَ فِي الصَّفَّ، فَأَحَدَ النَّاسُ فِي التَّصْفِيقِ،
وَكَانَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ لَا يُلْتَفِثُ فِي صَلَاتِهِ، فَلَمَّا أَكْتَرَ النَّاسُ (التَّصْفِيقَ) التَّفَتَ؛ فَإِذَا رَسُولُ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَشَارَ إِلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَرَفَعَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ
يَدَهُ فَحَمِدَ اللَّهَ، وَرَجَعَ الْقَهْقَرَى وَرَاءَهُ حَتَّى قَامَ فِي الصَّفَّ، فَتَقدَّمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ،
فَصَلَّى لِلنَّاسِ، فَلَمَّا فَرَغَ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ فَقَالَ: «يَا أَيُّهَا النَّاسُ؛ مَا لَكُمْ حِينَ نَابَكُمْ شَيْءٌ فِي
الصَّلَاةِ أَحَدُكُمْ فِي التَّصْفِيقِ؟! إِنَّمَا التَّصْفِيقُ لِلِّنْسَاءِ، مَنْ نَابَهُ شَيْءٌ فِي صَلَاتِهِ فَلِيُقْلِلْ: سُبْحَانَ اللَّهِ؛ فَإِنَّهُ
لَا يَسْمَعُهُ أَحَدٌ حِينَ يَقُولُ: سُبْحَانَ اللَّهِ إِلَّا التَّفَتَ، يَا أَبَا بَكْرٍ؛ مَا مَنَعَكَ أَنْ تُصَلِّيَ بِالنَّاسِ حِينَ
أَشْرَتُ إِلَيْكَ؟» فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: مَا كَانَ يَنْبَغِي لَابْنِ أَبِي فُحَافَةَ أَنْ يُصَلِّي (بِالنَّاسِ) بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. مُتَقَدِّقٌ عَلَيْهِ. [خ 1234، م 421].

مَعْنَى «حُسِنَ»: أَمْسَكُوهُ لِيُضَيِّقُوهُ.

Абу Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Амр ибн Авф қабиласи орасида

ёмон бир иш содир бўлгани(нинг хабари) етиб келди. Бир гуруҳ одамлари билан уларнинг орасини ислоҳ қилиш учун чиқиб кетдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушланиб қолдилар ва намоз вақти кирди. Шунда Билол розияллоҳу анҳу Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ёнига келиб: «Эй Абу Бакр, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушланиб қолганлари аниқ. Намоз вақти кириб бўлди, одамларга имом бўлиб бера оласанми?» деди. У: «Ҳа, агар хоҳлассанг», деди. Шунда Билол намозга иқома айтди ва Абу Бакр розияллоҳу анҳу олдинга ўтиб, таҳrima такбирини айтди. Одамлар ҳам таҳrima такбирини айтишди. (Сўнг) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафларни орасидан ўтиб келиб, сафга турдилар. Одамлар қарсак чала бошлишди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу намозида қайрилиб қарамас эди. Одамлар (қарсакни) кўпайтириб юборгач, қайрилиб қаради. Қараса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам турибдилар. У зот унга ишора қилиб, намозни ўқийверишга буюрдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу қўлинни кўтариб, Аллоҳга ҳамд айтди. Сўнг орқасига тисарилиб, сафга турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдинга ўтиб, одамларга намоз ўқиб бердилар. Фориғ бўлгач, одамларга юзланиб: «Эй одамлар! Сизларга нима бўлдики, намозда бирон нарса рўй берса, қарсак чалишга тушдингиз? Қарсак чалиш фақат аёллар учун. Кимнинг намозида бирон нарса рўй берса, «Субҳаналлоҳ» десин». Чунки «Субҳоналлоҳ», дейилганда бирор киши эшитса, ўгирилиб қарайди», дедилар. Сўнгра: «Эй Абу Бакр, сенга ишора қилганимда одамларга намоз ўқиб бераверишингга нима тўскىнлик қилди?» дедилар. Абу Бакр: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга имомлик қилиш Абу Кухофанинг ўғлига тўғри келмайди», деди».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

